

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 901-ҳадис

901 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، الرَّجُلُ مِنَّا يُلْفَى أَخَاهُ أَوْ صَدِيقَهُ أَيْسَحَنِي لَهُ؟ قَالَ: «لَا»، قَالَ: أَفَيَلْتَزِمُهُ وَيُقَبِّلُهُ؟ قَالَ: «لَا»، قَالَ: فَيَأْخُذُ بِيَدِهِ وَيُصَافِحُهُ؟ قَالَ: «عَمَّ». رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسْنٌ [2728].

901. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши: “Эй Аллоҳнинг Расули, бирортамиз биродари ёки дўстини учратганда унга эгилиб кўришса бўладими?”, деди. У зот: “Йўқ”, дедилар. Ҳалиги киши: “Уни қучоқлаб ва ўпиди кўришса бўладими?”, деди. У зот: “Йўқ”, дедилар. Ҳалиги киши: “Унинг қўлидан ушлаб, қўл бериб кўришадими?”, деди. У зот: “Ҳа”, дедилар.

*Имом Термизий ривоят қилиб, буни ҳасан ҳадис, дедилар.*

**Шарҳ:** Бугунги кунда оддий ҳолатларда ҳам қучоқлашиб кўришавериш урфа айланиб бормоқда. Ҳар кўришганда қучоқлашиб кўришиш тўғрими? Динимизда бунга қандай кўрсатмалар берилган?

Аслида мусулмон кишининг оддий ҳолатларда суннатга мувофиқ кўришиши бу - қўл бериб кўришишdir.

Қучоқлаб ёки юз ва бошдан ўпиди кўришиш эса баъзи бир муносабатлар сабабидан бўлади. Ҳеч қандай муносабатсиз қучоқлашиб ёки ўпиди кўришишни аҳли илмлар қуидаги ва ундан бошқа ҳадисларга кўра макруҳ деганлар. Ёш болаларни эркалаб қучоқлаб, ўпиш бундан мустаснодир.

Ҳайит кунлари каби маълум бир муносабатларда, сафарга кетаётганда, сафардан келганда ёки узоқ муддат кўришмаган дўсти билан кўришганда қучоқлашиб, ҳамда юздан ўпиди кўришишга рухсат берилган. Бундай кўришишларда шаҳватдан омонда бўлиш шарт қилинган.

Аммо эгилиб кўришиш рукуъга ўхшаш бўлгани учун уламолар ундаи

кўришишни мутлақо ман қилганлар.

Яна бир ҳадисда шундай дейилган:

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Улар (яъни, саҳобалар) бир бирлари билан учрашгандаридан қўл бериб кўришар эдилар. Агар сафардан қайтсалар, қучоқлашиб кўришардилар”. (Табароний ривояти).

Шунга кўра оддий ҳолатларда кўришганда қўл бериб кўришишнинг ўзи билан чекланган маъқул ва тўғрироғи ҳам шудир. Чунки ҳар кўришганда қайта-қайта қучоқлашиб кўришавериш қийинчилик туғдиради ва малолланишга сабаб бўлади. Динимизда куйидаги оятга биноан қийинчилик кўтарилиган:

«Ва динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади». (Ҳаж сураси, 78-оят)

Қучоқлашиб кўришишга рухсат берилган ўринларда уламоларимиз иккала эркакнинг ҳам устида кийим бўлиши лозимлигини қайдлаганлар.

Урфга айланиб ултурган бундай кўришишдан воз кечиш осон бўлмайди. Бунда мулоимлик ва ҳикмат билан йўл тутмоқ лозимдир. Агар буни бирданига тўхтатилса, қалбнинг жароҳатланиши ёки қариндош уруғлар ўртасида силаи раҳмнинг узилиб кетишига сабаб бўлса, бунинг зарари қучоқлашиб кўришишнинг зааридан каттароқ бўлгани учун аввал катта зарар даф қилинади. Имконини қилиб, мавридини топиб, набавий суннатга эргашиш қанчалик аҳамиятли ва фойдали экани тушунтириб борилса, иншаа Аллоҳ секин-аста тўғирланиб боради.

Аммо номаҳрам эркак ва аёлнинг бир бирлари билан қучоқлашиб ёки юздан ўпиди кўришилари ҳаром эканига уламолар иттифоқ қилганлар. Айниқса, баъзи хонадонларда қайнота ва келиннинг ёки қайнона ва куёвнинг қўл бериб, қучоқлаб ёки ўпиди кўришилари айrim ҳолатларда келин билан куёвнинг никоҳини бутунлай, қайта тиклаб бўлмайдиган даражада бузилиб кетишига сабаб бўлиш мумкин. Чунки агар қайнота келинини қасддан ё хато қилиб бўлсин, тўсиқ билан (баданинг ҳарорати сезиладиган даражада) ёки тўсиқсиз бўлсин, шаҳват билан ушлайдиган бўлса, ўғлига келини ҳаром бўлади.

Қучоқлашиб кўришишда ҳам ўзига яраша одоб ва меъёрларга риоя қилишни унутмаслик лозим. Жумладан:

1. Ҳар сафар қучоқлашиб кўришмаслик. Оддий ҳолатларда ҳар гал қучоқлашиб кўришавериш ҳам яхши эмас. Чунки суннатда кўришишнинг ҳакиқий шакли қўл бериб кўришишdir. Қолаверса, ҳар сафар қучоқлашиб

кўришиш айрим нокулайликларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

2. Қучоқлашиб кўришганда кийимлик ҳолатда бўлиш. Шунга кўра, кўйлак, тўн каби устки кийим бўлмаганда қучоқлашиб кўришиш танзиҳий макрух саналган.

3. Хушбўй ҳолда бўлиш. Ҳеч бўлмаса, нохуш ҳидлардан холи бўлиш лозим. Терлаб турганда, кирчир иш кийимларда қучоқлашиб кўришиш одобдан эмас. Саҳобаи киромларнинг оддий қўл бериб кўришиш учун ҳам қўлларига хушбўй суртиб юрганлари айтиб ўтилган. Демак, қучоқ очиб кўришганда бунга янада эътибор бериш зарур бўлади. Айниқса, ёз кунларида, терлаб турганда қучоқлашиб кўришиб бўлмайди, кишига озор беради. Шунингдек, бўйин ва юзлар ҳўл бўлганда уларни қарши томонга текказишдан ҳам сакланиш лозим.

4. Кўксни кўксга олиб бориш. Одатда “қучоқлашиб кўришиш” деганда деярли барча халқларда бир хил ҳолат назарда тутилади: кўкрак кўкракка текказилади, бошлар елка устига олинади. Биз ҳадисларнинг таржимасида «қучоқлашиб кўришиш» деб берган сўз ҳам айни шу маънога далолат қиласди. Бу сўз аслида «бўйин уриштириш», аниқроғи, «бўйинни бўйинга яқин олиб келиш», «бўйиндан қўлни ўтказиб, ўзига тортиш» деган маъноларни англатади.

Демак, ҳадисларда назарда тутилган, мусулмонларга қадимдан маълум бўлган ва уларнинг ўзаро муносабатларида муомалада бўлиб келган қучоқлашиб кўришиш елкаларни яқинлаштириб, кўкракларни бериб кўришиш экан. Бундан келиб чиқадики, ҳозирда урфга айланадиган бош уриштириб кўришиш ҳақиқий маънодаги қучоқлашиб кўришиш ҳисобланмайди. Чунки бу аслида мусулмонлар одатидан эмас. Агар бу яхши иш бўлганида, олдинги ва бугунги уламоларнинг шундай қилаётганларини кўрган бўлар эдик. Бу тур кўришиш бизга ажнабийлардан, мусулмон бўлмаганлардан кириб келганини ҳам унутмаслик лозим. Мусулмон киши кимга тақлид қилаётганига эътибор бериши керак.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўзини бирор қавмга ўхшатса, у ўшалардандир», деганлар.

Шунингдек, уламоларимиз қучоқлашиб кўришганда елкани яқинлаштириб, белни узокроқ тутиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар. Акс ҳолда, бундай кўришиш ахлоқсизлик кўринишига ўхшаб қолади.

Айрим кишиларда кузатиладиган яна бир нотўғри кўришиш шаклларидан бири қорин уриштириб кўришишдир. Бу борада ҳам юқоридаги сўзларни айтиш мумкин. Қолаверса, бу қарши томонга озор бериши, унинг кўнглига тегиши ҳам турган гап. Агар тўғри қучоқлаб кўришишга имкон бўлмаса, қўл олиб кўришиш билан кифояланган маъқул.

Баъзи одамлар қучоқлашиб кўришганда кўришаётган одамни ўзидан итариб кўришади. Бу ҳол ҳам кишига озор беради. Одатда бу каби ҳолат кибр ва манманликдан келиб чиқади. Ундан кўра яхшилаб кўл қисишиб кўришган афзалроқдир.

5. Таъзия билдиришда қучоқ очиб кўришиш мусибатда елкадошликтининг рамзидир. Аммо мусибат ахлини уринтирмаслик учун, айниқса таъзиячилар кўп бўлган пайтда маҳкам кўл ушлаб кўришиш ҳам кифоя қиласди.

6. Улуғ кишилар, олим одамлар, устозлар билан кўришишда агар уларнинг ўзлари қучоқ очиб кўришишга рағбат билдирмасалар, икки қўллаб кўришиш билан кифояланиш ҳам одобдандир.

Умуман олганда, барча ҳолларда кўришишдан кўзланган мақсад – ўзаро муҳаббатни мустаҳкамлашни унутмаслик керак. Сиз билан кўришган киши кўришганидан мамнун бўлсин, кўнгли ёзилсин, руҳи кўтарилсин, «мен билан самимий кўришди» деган хulosага келсин, яна қайта кўрганда кўришишга беихтиёр интиладиган бўлсин, ана шунда сиз динимиз таълимотларига тўғри амал қилган бўласиз. Агар сиз билан кўришган одам яна қайта кўришишдан безилладиган бўлса, кўришишга интилмаса, у ҳолда, сиз кўришиш одобларига риоя қилмаган бўласиз, бу эса исломий одоблардан кўзда тутилган мақсадга зид ҳолатдир.

Мазкур одоб ва меъёrlар умуман олганда эркагу аёл учун баробардир. Аммо уламоларимиз бошқа ҳолатларда бўлгани каби бу борада ҳам аёллар ҳаё ва ибога яқинроқ кўринишда кўришишлари кераклигини айтганлар. Шунга кўра, аёллар бир-бирлари билан кўл олишиб, билак ушлашиб, қучоқ очиб, юз ва қўлларидан ўпиб кўришишлари мумкин. Қучоқ очиб ва ўпиб кўришилганда фитна хавфи бўлмаслиги ва бу доимий одатга айланмаслиги шарт.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



